



# Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

2012-yil, 28-iyul. Shanba 90 (31.522) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари



Муродбек ЭИЕ олган суратлар.

## ТАШАББУС ВА ЛОЙИХАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ ҲАМДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ ҲАМКОРЛИГИДА ЖОРИЙ ЙИЛДА ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА ЭГА ЛОЙИХАЛАР БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН 3 ТА ГРАНТ ТАНЛОВИНИНГ ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Йил бошида Парламент комиссияси томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига қаратилган 5 та грант танлови ўтказилиши тасдиқланган. Ҳозирга қадар 3 та танлов эълон қилиниб, уларда 440 га яқин нодавлат нотижорат ташкилоти 484 та ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа билан қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, бу каби танловларнинг максимал энг аввало, мамлакатнинг

ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фуқаролик институтларининг фаолиятини кучайтириш, уларнинг муҳим давлат ва ҳудудий дастурларни амалга оширишда иштирокини кенгайтириш, ёш оилалар, хотин-қизларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, уларни оилавий бизнес, касаначиликка жалб этиш борасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

## СИЁСИЙ ЎҚУВЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

электоратни ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол жалб этишга хизмат қилади

ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА КИШИЛАРНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ БИЛИМИНИ ОШИРИШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

Бу билан жамиятда қонун устуворлиги таъминланади, одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билади, жойлардаги хато ва камчиликларни назорат қила олади. Муҳими, шу тариқа фуқаро-

ларда элу юрт равнақига дахлдорлик хисси кучаяди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ва унинг минтақавий ташкилотларида 2006 йилдан бери мунтазам ўтказиб кели-

наётган Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги сиёсий ўқув семинарларидан кўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборат. Хўш, сиёсий ўқувлар қай тартибда ташкил этилаётди, уларнинг таъсирчанлигини оширишда қандай тажриба ва усуллар қўлланилаётди?

Шу каби саволлар билан ЎзХДП Бухоро вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаолларига мурожаат қилдик. → 2

Эътироф

## МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ МУЛОҚОТЛАР


«...Ҳозир Мустақиллик майдонида турибмиз. Ушбу майдон жуда маҳобатли, гўзал экан. Энг замонавий архитектура усулларидан фойдаланиб қурилган ва ўзига хос бир ансамбль яратилган. Мустақилликнинг қадр-қимматига етган миллатгина мана шундай майдонни барпо этади...»

4-бет



Шавакат АҚРАМОВ олган суратлар.

1982 йилда ТҮЙТЕПАДА ТУ-ФИЛГАНМАН. ШАҲАРДАГИ 26-МАКТАБНИ ТАМОМЛАБ ЎЗБЕКISTON МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ГЕОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. УШБУ ДАРГОҲДА ТАНИҚЛИ ОЛИМ РУСТАМ ЮСУПОВДАН САБОҚ ОЛДИМ. У КИШИ МЕНИНГ БАКАЛАВРЛИК, МАГИСТРЛИК ИШЛАРИМГА ИЛМИЙ РАҲБАРЛИК ҚИЛДИ.



## ЕР ШАРИ ҚЎЛИМИЗДА

Она замин қаъридаги тилсимотларни очаётган ўзбек ёшлари ер шарини ҳам қўлларидан тутиб туришга қодирлар

2006 йил Ангренда жойлашган Аршан бува булоғи атрофида геологик ўрганиш ишлари вақтида фанда номаълум бўлган минералга дуч келдик. Топилмани устозим билан ўргана бошладик. Бунинг учун икки йилга яқин вақт кетди.

2009 йил 31 августда Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллик байрами арафасида Бутун дунё янги минералларга ном бериш ва уларнинг классификацияси билан шуғулланувчи ассоциациядан бизга хат келди. Унда «Сизлар топган

янги минерал «Мавляновит» деб номланди ва бутунжаҳон минераллар рўйхатида киритилди», дейилганди.

2011 йили халқаро конференцияда қатнашдим. Шунингдек, ёш геологларнинг халқаро еттинчи очик дала олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоасига раҳбарлик қилдим. МДХ давлатлари ўртасида 3-ўринни қўлга киритдик. Жорий йилнинг 9-18 июль кунлари ёш геологларнинг иккинчи дала олимпиадасида ҳам юртимиз терма жамоасини бошқардим. Умумжа-

моа ҳисобида 2-ўрин, шахсий кўрсаткичлар бўйича эса 1-ўринни қўлга киритиб, юртимизга кубок олиб келдик.

Орзуларим бир олам. Уларни амалга ошириш учун юртимизда барча имкониятлар мавжуд. Ўйлайманки, ўзбекистонлик ёш геологлар ҳали жаҳон аҳлига ўзининг нималарга қодир эканини намойён этади.

Эркин ЭГАМБЕРДИЕВ, Геология ва минерал ресурслар Давлат Қўмитаси бош мутахассиси, геология-минерология фанлари номзоди.

«Олимпиада — 2012»

## ВАТАН НОМИ БИЛАН

майдонга тушамиз ва халқимиз ишончини оқлашга бор кучимизни сарфлаймиз, — дейди дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров

КЕЧА ЛОНДОНДА XXX ЁЗГИ ОЛИМПИА УЙИНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Бугун бутун дунё спорт муҳлисининг нигоҳи Буюк Британия пойтахти Лондонга қаратилган. Айни пайтда бу ерда ер кўрасининг ҳар тўрт йилда ўтказиладиган энг йирик мусобақалари ўтказилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Лондон ёзги Олимпиада ўйинларига учинчи бор мезбонлик қилаётган жаҳон спорт тарихидаги биринчи шаҳарга айланди. Бунгача бу каби катта спорт байрами 1908 ҳамда 1948 йилларда Буюк Британияда бўлиб ўтган эди. → 4



Муносабат

## РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИЛИШИ

ишбилармонлик, тадбиркорлик муҳитини янада яхшиланишига, янги иш ўринлари очилишига хизмат қилади

Президентимизнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартирish чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги иккита тарихий Фармони эълон қилинди.

Муҳбиримиз ушбу фармонларнинг мазмун-моҳиятини, аҳамияти ҳақида манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотларнинг масъул ходимлари, депутатлар, иқтисодчи олимлар ҳамда тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизикди. → 3

ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа

ЯНГИ ИШ ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИҲА

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШ ДЕМАКДИР

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУХТОЖ, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАН ОИЛАЛАР, ИШГА ЖОЙЛАШИШДА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРГА ДУЧ КЕЛАЁТГАН КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ БИТИРУВЧИЛАРИ, ЖИСМОНИЙ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БУЛСА-ДА, МЕХНАТНИНГ МУАЙЯН ТУРИГА ЛАЁҚАТЛИ ФУҚАРОЛАРНИ Қўллаб-қувватлаш, улар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, бир сўз билан айтганда, одамларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига хизмат қиладиган ҳаётий ташаббуслар билан чиқиш партиянинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

— ЎзХДП Нукус туман кенгаши билан ҳамкорликда ёшларни доимий меҳнатга жалб этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Саваддин Сейбуллаев. — Жумладан, таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги фармон ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги касб-хунар коллежларида 4 та меҳнат ярмаркаси ўтказдик. Уларда юздан ортиқ корхона ва ташкилотлар 447 та бўлиш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркада 290 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди. Улардан 128 нафари иш топишда қийинчиликка дуч келмаётган ёшлар, 91 нафари эса коллеж битирувчиларидир.

катлар топширилди. Бугун улар шу имтиёз ва имкониятдан самарали фойдаланиб, ўз ишини йўлга қўйишга эришди. — Чорвачиликни ривожлантириш бўйича ишлаб чиққан бизнес-лойиҳамиз ЎзХДП Нукус туман кенгаши томонидан тижорат банкларига тавсия қилинган эди, — дейди Омирбой Зайтов. — Шунга асосан «Асака» банк томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдим. Ушбу маблағ эвазига маҳалламиз ахлининг гўшт ва сўт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қиладиган оилавий корхона очилди, шу орқали янги иш ўринлари яратилди ва мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшиш мақсадида.

Дарҳақиқат, ЎзХДП саясий-ҳаракати билан ташкил этилаётган форумлар электрот манфаатини муносиб ҳимоя қилишининг энг самарали усули ва тажрибасига айланган бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Буни партиямиз кўмағида ўз ишини бошлаган электрот вакилларининг самимиёт миннатдорлик сўзларидан ҳам англаш қийин эмас. Энг муҳими ЎзХДПнинг амалий ишлари ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг иш билан таъминланиши, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик ривожини, бир сўз билан айтганда одамлар турмуши фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Реймбой ЁШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири, Ғайрат ОТАЖОНОВ, журналист.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа тижорат банклари билан ҳамкорликда мамлакатимиз бўйлаб тизимли равишда ташкил этилаётган иқтисодий форумлардан кўзланган мақсад ҳам юқоридаги вазифалар ижросига, электрот вакиллари манфаати ҳимоясига қаратилган.

сервис, чорвачилик, паррандочилик, балиқчилик, асаларчилик, мева-сабзавот етиштириш ҳамда бошқа соҳаларда 108 та янги иш ўрни яратилди.

— ЎзХДП томонидан ўтказилаётган иқтисодий форумлар ўз ишини бошлаш ниятида юрган, бироқ бошланғич сармоёга, бу борада ҳуқуқий йўл-йўриқ ва маслаҳатга муҳтож кишилар учун аниқ муддао бўлмоқда, — дейди нукуслик Жулдуз Срашова. — 2011 йили партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ёрдамида «Микрокредитбанк» ОАТБдан имтиёзли кредит олган эдим. Аввалига битта тикув машинасида иш бошлаган бўлсам, ҳозир 10 та замонавий ускуна билан мижозлар буюртмасини қабул қилаяпмиз. Бундан ташқари Чимбой туманида ҳам тикув чеши ташкил этиб, ёш хотин-қизлар учун бир нечта янги иш ўрни очдик.

Бу борада сўз кетганда, ўтган йили биргина Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган шундай тадбирларда жисмоний имконияти чекланган, бироқ хунарнинг бошини тутган кишилар, кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар, ёшлар, хусусан, касб-хунар коллежи битирувчилари томонидан тақдим этилган бизнес-режалар орасидан истиқболли деб топилган 37 та лойиҳа учун имтиёзли кредитлар ажратилганини таъкидлаш жоиз. Натийжада, хизмат кўрсатиш ва

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ТАШАББУС ВА ЛОЙИҲАЛАР Қўллаб-қувватланмоқда

210 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти 252 дан зиёд лойиҳа билан қатнашган биринчи грант танловда 54 та лойиҳа қолиб деб топилган бўлса, иккинчи танловда 34 та, учинчи танловда 19 та ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа грантга муносиб кўрилди. Қолиблар учун ажратилган маблағлар манзилли ижтимоий ҳимояни кучайтиришга кўмаклашиш, ёрдамга муҳтож оилаларнинг турмуш даражасини ошириш, уларга белули тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек, ёшларни касб-хунарга, хотин-қизлар ва ёш оилаларни касаначилик ҳамда оилавий бизнесга жалб этиш учун курсларни ташкил этиш, фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилди.



Тадбир сўнггида танлов қолибларига сертификатлар топширилди. — Амалий ишларимиз мамлакатимизда демократик жамиятни ривожланти-

ришда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган, — дейди Тошкент вилоятидаги «Умид нуллари» нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари Нодир Махидов. — 2007 йилдан буён фаолият олиб борамиз. 30 нафардан ортиқ аъзо бор. Танловда «Соғлом оила — ортиқ танчанга» лойиҳаси билан иштирок этдик. Лойиҳадан кўзланган мақсад — чекка ҳудудлардаги ёшлар онгида соғлом турмуш

тарзи тушунчасини шакллантириш ва қарор топтиришдан иборат. Унга кўра, жойларда 14 та давра суҳбати, семинар-тренинг ва ёшлар ижтимоий акцияси ўтказилди, 1 та ўқув қўлланмаси chop этиш режалаштирилган.

— Фаолиятимиз 2009 йилдан бошланган, — дейди Избоскан туманидаги Ноғиронлар жамияти раҳбари Мавлуда Бакирова. — Жамиятимиз ноғиронларни ижтимоий ҳаётга

мослаштириш, уларни касбга йўналтиришга кўмаклашди. Бугун 15 миллион сўмлик сертификатга эга бўлдик. Бу маблағни тўқув ва тикув ускуналари олиб, меҳнатга лаёқатли жисмоний имкониятлари чекланган фуқаролар ҳамда хотин-қизларнинг хунар ўрганиши учун сарфламоқчимиз.

— Ишла мустаҳкамлиги аввало оналар соломатлиги ва маънавиятига боғлиқ, — дейди Қашқадарё вилоятидаги «Қалб меҳри» маркази раҳбари Халғи Ақдавлатова. — Марказимиз айнан аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлашга хизмат қиладди. Шу мақсадда «Мустаҳкам оила — маънавий бойлик» лойиҳасини ишлаб чиқдик. У аёллар ва ёшлар маънавиятини ошириш, уларда миллий қадриятларимиз, аънаваларимизга ҳурмат туйғусини янада мустаҳкамлаш мақсадаларига қаратилган. Фонд томонидан ажратилган маблағни бу борадаги амалий ишларга сарфламоқчимиз.

Ҳақиқатан ҳам бугун мамлакатимиз тараққиёти ва ривожига фуқаролик жамияти институтларининг роли тобора ортиб бораёпти. Уларнинг ташаббус ва лойиҳалари аҳоли фаровонлиги, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги орттишига хизмат қиладиган билан ҳам қимматлидир.

Гулруҳ ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Муносабат

МАМЛАКАТИМИЗДА БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ, ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ РИВОЖЛАШТИРИШ ҲАМДА ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТИШГА ТОБОРА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

партиянинг электрот манфаатини ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтиради

Бунинг учун юртимизда мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган бўлиб, уни такомиллаштириш ишлари изчил олиб борилаётганда, бу эса иқтисодиётнинг мустаҳкамланиши, янги иш ўринлари яратилиши, бир сўз билан айтганда, кишилар турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилмоқда.

нет банкинг» тизими орқали соҳа ва бошқа мажбурий туловларни тўлашни ўз хоҳишларига кўра, электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиши мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтинг фаровонлиги юксалишига хизмат қиладди.

Биргина 2000 йилдан буён кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши 31 фоиздан 54 фоизга ўсгани ва ушбу соҳада меҳнатда банд бўлган кишилар сони икки баробар ортгани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

«Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон бу борадаги ислоҳотларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган.

Фармонда энг аввало корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-қоидаларни барча турларини қисқартириш, содда-лаштириш ҳамда ошқоралигини таъминлаш, бизнесни юриш шарт-шароитини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган тизимини жорий этиш кўзда тутилган. Айниқса, Фармонга мувофиқ 2013 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари тегишли давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида банк ҳисоб варақаларига ма-софадан туриб ҳизмат кўрсатиш тизими, шу жумладан, «Интер-

Шу боис партия фаоллари ва депутатлардан Фармон ижросини таъминлашда самарали депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатилиши, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган электрот вакиллари яратилган қўлайлик ҳамда имтиёزلардан тўлақонли фойдаланишига кўмаклашиш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш каби масъулиятли вазифаларни бажариш талаб этилади.

Валиқул БЕРДИҚУЛОВ, Халқ депутати ва Самарқанд вилоят Кенгаши депутати.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

ПАРТИЯ КЕНГАШИ, ДЕПУТАТЛАР ВА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ҲАМКОРЛИГИ

ислоҳотларнинг ҳудудлардаги самарасини таъминлайди

ЎзХДП ФАРФОНА ШАҲАР КЕНГАШИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МУСТАҚИЛ ИНСТИТУТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «ҲУДУДЛАРДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИ ОЛИБ БОРИШДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИНИНГ РОЛИ ВА ҲИССА» МАВЗУСИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

Унда электрот манфаатини ҳимоя қилишда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ишини кучайтириш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама қилинди. Депутатлар ва мутахассислар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда партиянинг иштирокини янада фаоллаштириш ҳақида ўзаро фикр алмашди.

2012-2013 йилларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлиги бўйича мониторинг олиб борилди. Бироқ фаолиятимиз ҳали талаб даражасида эмаслигини тан оlishимиз керак. Депутатларнинг ўз сайлов округидаги амалий ишларини кучайтириши, партия кенгаши, депутатлар ва бошланғич ташкилотлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш лозим. Бу билан аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб борилади, электрот манфаати самарали ҳимоя қилинади.

— Яқинда депутатлик гуруҳимиз хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида олиб борилаётган ишларни таҳлилий ўрганиб чиқди, — дейди шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Ахмадхон Абдуллаев. — Бунда маҳаллий ресурс ва инфратузилмалар таҳлил қилиниб, ўз ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ниятида бўлган электрот вакилларининг тақлифлари ўрганилди.

Бундан ташқари депутатларимиз томонидан шаҳар иссоқлик тизимини тўхтовсиз ишлашини таъминловчи корхоналарнинг

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СИЁСИЙ ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИҲА

электротни ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол жалб этишга хизмат қиладди

Саида Жўраева, ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Ижтимоий-сиёсий жараёнларда электрот вакиллари иштирокини янада кучайтириш мақсадида вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида ўтган йили 100 га яқин сиёсий ўқув ўтказилди. Тағриботчилар ҳамда экспертлар гуруҳи, депутатлар ва сиёсатшунослар фаол иштирок этишди. Семинар ва давра суҳбати тарзида ўтказилган тадбирларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини янада кучайтиришга қаратилган ишларни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бироқ очингани айтиш керак, бу борадаги ишлар ҳамма жойда талаб даражасида эмас. Масалан, Пешку, Жондор, Ромитан туманларидаги партия фаоллари сиёсий ўқувлар самарадорлигини янада ошириш, таъмирчанлигини кучайтириш учун изчил изланиши керак. Бу каби тадбирларни бошланғич ташкилотларда кўпроқ ўтказишга эътибор қаратиш талаб этилади.

Робия ҚАЗИМОВА, ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси: — Бошланғич партия ташкилоти аҳолига энг яқин бўлган ҳисоблангани боис, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган тадбирларда уларнинг фаоллигини ошириш, иштирокини кенгайтириш масаласига жиддий эътибор қаратаяпмиз.

Партия Марказий Кенгаши ҳамда вилоят кенгашларида муҳокама қилинган масалаларни куйи бўғинларда ҳам қўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Шаҳар партия кенгашига 88 та бошланғич ташкилот бирлашган. Сиёсий ўқувлар ташкил этишда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, болалар юкмули касалликлар шифохонаси, 11-шифохона ҳамда 13-Жўйбор, 48-Ёшлик маҳаллалари фаол иш олиб бораёпти. Бироқ тан олиш керак, шундай бошланғич ташкилотлар борки, сиёсий ўқув машғулотлари таш-

Сийсий ва фуқаролик маърифати тизимида ташкил этиладиган ҳар бир тадбирга олдиндан пухта тайёргарлик қилиб, таъмирчан усулларни кенг қў-

Ражаб ҲАМРОЕВ, вилоят кенгаши депутати: — Сиёсий ўқувларда бугунги куннинг энг долзарб мавзула-

ри танлаб олинсагина, у тингловчи учун қизиқarli бўлади. Биз сиёсий ўқувларни «Президентимиз тақдим этган Концепцияни амалга оширишда сиёсий партия масъулияти, роли ва таъсири», «Демократик ислоҳотларнинг янги босқичи ва унда партия ташкилотларининг амалий иштироки», «Мустақиллик йилларида ахборот соҳасини ислоҳ этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш», «Демократик ўзгаришлар жараёнида фуқаролар сиёсий маданиятини янада ошириш мақсадалари» каби мавзуларда ўтказаяпмиз. Ҳуқуқларда бугунги кунда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш бора-си фазолиятига қаратилган тадбирлар ҳам қўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Шаҳар партия кенгашига 88 та бошланғич ташкилот бирлашган. Сиёсий ўқувлар ташкил этишда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, болалар юкмули касалликлар шифохонаси, 11-шифохона ҳамда 13-Жўйбор, 48-Ёшлик маҳаллалари фаол иш олиб бораёпти. Бироқ тан олиш керак, шундай бошланғич ташкилотлар борки, сиёсий ўқув машғулотлари таш-

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Муносабат

# РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИЛИШИ

## ишбилармонлик, тадбиркорлик муҳитини янада яхшиланишига, янги иш ўринлари очилишига хизмат қилади

**Ақром СУЛТОНОВ,**  
Давлат статистика қўмитаси  
Ахборот хизмати раҳбари:

— «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик, айниқса, кичик бизнес тараққиётига ортиқча тўсиқ, сунъий ғов бўлаётган ҳолатларнинг олдини олишга йўналтирилгани билан эътиборлидир. Унга асосан, ҳозирги замонaviй талабларга мос келмайдиган лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботлари шакллари ва бошқа ҳисобот турларининг айримлари бекор қилинади ва бир-бирини такрорловчи ҳисобот шакллари умуллаштириш натижасида ҳисоботлар миқдори камаяди. Шу билан бирга, уларни тақдим этиш даврийлик мuddатлари ҳам қисқартирилади.

Айни пайтда қўмитамиз томонидан, ҳўжалик субъектлари топширадиган статистик ҳисобот шакллари миқдорини белгиланган тартибда қисқартириш, айримларини бекор қилиш, шунингдек, ҳар ой ёки чорак якуни бўйича тақдим этиладиган ҳисобот шакллари тақдим этиш учун қўлайликлар яратиш мақсадида, **65 та** амалдаги статистик ҳисобот шакллари қайта кўриб чиқиш йўлга қўйилган. **2012 йил 1 августидан** бошлаб, қўмитамиз вазирликлар ва тегишли идоралар билан биргалликда ҳар чоракда ҳисобот тақдим этувчи ҳўжалик субъектларининг фаолиятини танлама равишда ўрганиб чиқиб, улар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот шакллари умуллаштирган ҳолда кўриб чиқишни режалаштирди. Ўз навбатида, қўмитамиз, вазирликлар ва тегишли идоралар билан ҳамкорликда жойлардаги ҳисобот тақдим қилувчи корхона ва ташкилотларнинг маъсул ходимлари учун ўқув-семинарлари ташкил этишни режалаштирмоқда.

**Аскар АЛИЕВ,**  
Давлат солиқ қўмитаси Юридик шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси бошлиғи:

— Мазкур фармон талаблари асосида: жорий йилнинг **3-чорагидан** бошлаб, йирик корхоналар учун Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ҳамда барча корхоналар учун Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома; **2012 йилнинг учинчи чорагидан** бошлаб, давлат органлари ва ҳўжалик бошқарувлари томонидан доимий равишда талаб қилиб келинаётган **50 турдаги** бошқа ҳисоботлар; **2013 йилдан** эътиборан, **12 турдаги** солиқ ҳисоботлари, **23 турдаги** статистик ва **20 турдаги** бошқа ҳисоботларни тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди.

(Давом. Боши 1-бетда.)



Фарход АБДУРАСУЛОВ (ўса) олган сурат.

Бундан ташқари, **2013 йил 1 январдан** бошлаб, солиқ органлари тақдим этиладиган **11 турдаги** солиқ ҳисоботлари ва бошқа маълумотларни бирлаштириб, **5 тага** туширилиши белгилаб қўйилди. Жумладан, **фойда солиғи** билан **обдонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов** билан фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига **сугурта бадалли**, бюджетдан ташқари **Пенсия, Йўл ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар** бўйича ҳисобот шакллари бирлаштирилди. Шунингдек, **4 та** фаолият турлари бўйича лицензиялар чекланмаган мuddатга бериладиган бўлди ва **10 та** лицензияланадиган фаолият турлари бирлаштирилиб, **6 тага** туширилди.

Қолаверса, **2013 йил 1 январдан** бошлаб, қўшимча фойда солиғидан ташқари, барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботини тақдим этиш бекор қилинади.

**Рўздат САФАЕВ,**  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғи Бош директори ўринбосари:

— Маълумки, сўнгги йилларда давлатимиз ва ҳўкуматимиз томонидан матбуот ва ахборот соҳасида ҳам тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Бу борада қатор қарорлар ва фармонлар қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Юқоридаги Фармонда ҳам матбуот ва ахборот соҳасидаги тадбиркорлик учун қатор қўлайликлар назарда тутилган. Ҳақиқатан ҳам, шу пайтга қадар, нашриёт фаолиятининг мuddати чекланган бўлиб, ҳар беш йилда лицензия мuddати узайтирилиб берилар эди. Мазкур Фармоннинг 7-илavasига биноан, ушбу лицензияланадиган фаолият турига чеклов олиб ташланди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан илғари кўрсатил-

ган камчиликларни бартараф этган ҳолда аризалар такроран тақдим этилган тақдирда янги асослар бўйича лицензия ва рухсатномалар беришдан бош тортиш тақиқланади. Бу ҳам тадбиркор учун яна бир қўлайлик саналади.

**Мауленберган ХАЛМУРАТОВ,**  
иқтисод фанлари номзоди:

— Давлатимиз раҳбарининг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенгроқ эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам қўлай тадбиркорлик муҳитини шакллантириш, тараққий эттириш нуктаи назардан муҳим аҳамиятга эга. Ишбилармонлик муҳитининг халқаро амалиётда қўлланиладиган тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, арзонлаштириш ва қисқартириш, давлат ва назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бевосита мулоқотсиз электрон шакллари ҳамма жойда кенг татбиқ этиш жорий этилмоқда. Бу ҳам тадбиркорнинг ортиқча маблағини тежалишига, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллардан холос бўлишига олиб келади.

Худди, шунингдек, Фармонда Жаҳон банки ҳамда унинг бўлинмаси бўлган Халқаро молия корпорацияси томонидан қабул қилинган «Бизнесни юритиш» методикасига мубофик, ишбилармонлик муҳити ҳолатини омилилар асосида таҳлил қилиш ҳамда мамлакат рейтингини белгилаб берадиган баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини татбиқ этиш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилгани қайд этиб ўтилган. Бу ўз навбатида, республикада қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити пайдо бўлишига замин яратмоқда. Юртимизда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Сасол» компанияси ва Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси иштиракида Евроосиёда ягона бўлган синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқарадиган «Ўзбекистон GTL» қўшма корхонаси — Oltin yul GTL» лойиҳасининг амалга оширилиши ҳам

фикримизнинг яққол исботидир. Ахир, бу қўшимча иш ўринлари яратилиши, маҳаллий профессионал кадрларнинг янги авлодини шаклланиши, ишлаб чиқариш ҳажми ва самардорлигининг ошиши, деганидир.

**Абдиқохор ЮСУПОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси, Бюджет ва иқтисодий илохотлар қўмитаси аъзоси:

— Дарҳақиқат шундай. Тадбиркорлик ривожланишига бундай катта имтиёз берадиган фармонларнинг қабул қилиниши, юртимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан ўзгаришига, янги иш жойларининг бунёд этилишига, умумийлаб чиқариш ҳажми ва самардорлигининг ошишига хизмат қилади. Бугун улар ўз амалий натижаларини бермоқда. Республикада жорий йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига кўра, жами 510,5 млн янги иш ўринлари яратилган бўлиб, шуларнинг 68 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилаётгани ҳам фикримиз далилидир.

Муҳими, мазкур фармонлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда катта аҳамият касб этади. Зотан, қўлай ишбилармонлик муҳити ва имтиёзларга эга бўлган тадбиркорда меҳнат унумдорлигини оширишга рағбат пайдо бўлади, натижада янги иш ўринларини яратди, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Бунинг амалий самараси эса, жамиятда фаровонлик, юрда тинчлик ва ўзаро тотувлик кўринишида намоён бўлади.

**Абдуқодир БЕГМАТОВ,**  
«Истикбол-файз плюс» хусусий фирма таъсисчиси:

— Ушбу фармонларни диққат билан ўқиб чиқдим. Унда ўз бизнесини энди йўлга қўяётган тадбиркорлар учун ҳам қатор қўлайликлар бор экан. Жумладан, бизнес билан шуғулланувчилар учун талаб қилинадиган ҳужжатларнинг соддалаштирилиши, айни мuddада бўлибди. Муҳими, энди ҳужжат тўплаш учун идорамайдора, ташкилотма-ташкилот югуришлар бўлмайди, анча асаббозарликларнинг олди олинади. Шу маънода ушбу фармонларни тадбиркорликнинг эртанги тараққиёти учун бугун яратилаётган ташкилий-ҳуқуқий асослари, деб ҳисоблаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги фармонлардан кўзланган асосий мақсад — мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлар учун энг қўлай шарт-шароитларни яратиш, улар фаолиятини халқаро амалиётда синовдан ўтган тажриба ва халқаро меъёрлар асосида ташкил этган ҳолда, янада эркин фаолият юритишларини таъминлашдан иборатдир.

«Ўзбекистон овози» муҳбири **Обиддин МАХМУДОВ** ёзиб олди.



## Хориж САНЪАТ АСАРЛАРИ

ижарага берилади

Жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий бўҳрон соҳа вакиллари янада чуқурроқ ўйлашга, ишбилармонлик миқёсларини янада кенгайтиришга мажбур этмоқда. Аинан шу боис ҳам Нью-Йоркнинг музей ва кўргазма залларида ноёб, дурдона расм ва ҳайкаллари ижарага бериш тартиби йўлга қўйилди.



Мақсад мамлакат музейларининг ночорлашиб қолган молиявий аҳволини яхшилашдан иборат.

Музей ва ижарачи ўртасида тузилган ижара шартномасига кўра, ижарачи шахслар мазкур санъат асарларини асраб-авайлашлари ва ижара ҳақини ўз вақтида тўлашлари шарт.

## ҚУРҒОҚЧИЛИК ОҚИБАТИДА

АҚШнинг бир қанча штатида ҳашаротлар кўпаймоқда

Маълумки, қурғоқчилик ўта оғир оқибатларни юзага келтириши мумкин. Айниқса, қурғоқчилик боис чигиртка, кўнгиз каби зараркунанда ва ҳашаротлар босқини авж олади.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, зараркунандалар тўдаси соя, гуруч, маккажўхори, арпа каби экинларни нобуд қилиб, фермер ҳўжаликларига катта зиён етказмоқда. Демак, жорий йилда ушбу маҳсулотлар танқислиги кузатилиб, баҳо-си сезиларли равишда ошиши мумкин. Муаммонинг олдини олиш учун ани вақтда экин майдонларига махсус кимёвий моддалар билан ишлов берилмоқда. Маълумот ўрнида айтиш жоиз-



ки, АҚШда етиштириладиган маккажўхорининг жаҳон бозоридagi улуши 56 фоизни ташкил этади.

## ҚОНУН ИЖРОСИ

соғлиқни сақлаш ва полиция ходимлари зиммасида

Бугунги кунда дунё бўйича сигарет чекишга қарши кенг миқёсда кураш олиб борилмоқда. Жамоат жойларида чекишни тақиқлаган шахслар сони ҳам кўпайгандан кўпаймоқда.



ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, энди жамоат жойларида чекиш қатъиян ман этилади, тамаки маҳсулотлари савдоси кучли назоратга олинади. Чекувчилар учун ресторон, меҳмонхона ва бекатларда атроф-муҳитга зарар етказмайдиган махсус чекиш хоналари ташкил этилади.

Қонунбузарларга эса катта миқдорда жарима солинади. Қонун ижросининг таъминлишини полиция ва соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари назорат қилиб боради.

## ЯЛТИРОҚ ЎСИМЛИКЛАР

глобал исишнинг олдини олади, аммо...

Глобал иқлим ўзгаришлари нафақат иқлимшунос олимларни ўйлантираётган муаммо, балки барча соҳа мутахассисларини ҳамкорликда иқлим ўзгаришларига қарши кураш чораларини излашга ундамоқда. Шу боис кейинги пайтларда сайёрамизнинг глобал исишига қарши чора сифатида турли фикрлар, лойиҳалар ўртага ташланмоқда. Ер орбитасига улкан ҳажмда юпка ойна ўрнатиш ва қуёш нуруларини фазога қайтариш, булутларни денгиз сувлари ёрдамида оқ рангга келтириш, ердаги уйлар ва барча иншоотлар томларини оққа бўяш, атмосфера-нинг стратосфера қатламига сульфатли азрозо пурқаш сингари лойиҳалар шулар жумласидандир.

Оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, Финляндиялик олимлар ҳам глобал исишга қарши курашишнинг янги усулини яратдилар. Мазкур усулга кўра, селекция йўли орқали ўсимлик барглари ялтироқ тўсга кiritилади. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, ялтироқ барглар қуёш нуруларини қайтариш хусусиятига эга.



Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу усул сайёрамиз хароратини бир даражагача тушириш имконини беради. Бироқ экспертларнинг айтишича, ўсимликларни ва тарзда модификация қилиш ҳосил

унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис бу усулга қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фаолият юритувчи компаниялар вакиллари эътироз билдириши эҳтимолдан холи эмас.

## «АЛКОТЕСТЕР»

олиб юрилиши шарт

Маст ҳолда автомобиль бошқариш дунёнинг исталган барча давлатларида тақиқланган.



балки мамлакат ҳудудида автомобиль бошқариётган ҳар қандай ҳорижлик фуқарога ҳам тааллуқлидир.

Интернет сайтларидаги хабарларга қараганда, мазкур қонун жорий йилнинг ноябрь ойидан кучга киради. Спиртли ичимлик истеъмол қилинганни аниқлайдиган ушбу мосламани ўзи билан бирга олиб юрмаган ҳайдовчига 11 евро миқдорда жарима жазоси қўйланади. Соҳа вакиллари айтишича, ушбу лойиҳа мастлик оқибатида келиб чиқадиган автомобиль ҳалокатларининг олдини олишга хизмат қилади.

«Ўзстандарт» агентлиги ва «Республика синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси жамоалари «Самарқанд синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси директори ўринбосари Улуғбек Лахановга волидаи мухтарамаси **ҲУСНИЯ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# КўНГИЛЛАРГА ҚУВОНЧ, ҲАЁТГА ИШОНЧ

### бағишлаётган марказнинг хайрли ишлари

Бундан саккиз йил олдин ташкил этилган РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖТимоий МОСЛАШУВИ МАРКАЗИ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРНИ ТИББИЙ, ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ, КУЧЛИ ИЖТимоий ҲИМОЯЛАШ, УЛАРНИНГ ЖАМИЯТГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИГА ЯКИНДАН КўМАКЛАШИШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТМОҚДА.



Тоғир НИГМАТУЛИН олган сурат.

Марказ қошидаги Ахборот-консалтинг хизмати алоҳида эҳтиёжли болаларга шифокорлар, дефектолог, психолог, педагог, даволловчи жисмоний тарбия ўқитувчиси каби соҳа мутахассислари ҳамкорлигига зарур ёрдамни кўрсатиб келмоқда.

Кўни кеча ушбу марказ қошидаги Ахборот-консалтинг хизмати «Sen yolg'iz emassan» республика болалар жамоатчилиги жамғармаси билан ҳамкорликда имконияти чекланган болалар

ва уларнинг ота-оналари учун «Ёғи хордик завқи» деб номланган байрам тадбирини ўтказди. Байрамда даволанувчилар иштирокида турли викториналар, кўрик-танловлар, расмлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Шунингдек, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намоиш этилди ва болажонларга ҳомийлар томонидан совғалар улашилди. — Қизим Юлдуз етти ёшда. Шу пайтгача у юролмасди, гапирмасди ҳам, — дейди Шайхонтохур туманидан Зухра Юсупова. — Кўринмаган шифокоримиз қолмади. Мана шундай марказ борлигини эшитиб, икки ярим йилдан буён қатнаймиш. Бу ердаги муолажаларнинг тўғри олиб борилиши натижасида ҳозир қизим юра бошлади, гапиряпти ҳам. Бу ерда ишлаётган

барча шифокорлардан миннатдорман. — Икки ёшли ўғлим Абдуборийни ушбу марказга олиб келаётганимга олти ойдан ошди, — дейди тошкентлик Нозима Шокирова. — Бир ёшга тўлганида ўғлим товушларни айтишга шайош бўлиб қолди ва шифокорларга муурожаат қилганимиз-

# ВАТАННОМИ БИЛАН

### майдонга тушамиз ва халқимиз ишончини оқлашга бор кучимизни сарфлаймиз, — дейди дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров



Анвар ИЛҲОСОВ олган сурат.

Бахсларни 25 июлда мусобақа дастуридан жой олган футбол бўйича аёллар терма жамоалари бошлашди. Бир кун ўтиб «чари түп» илхосмандлари эркалар ўртасидаги дастлабки тур учрашувларига гувоҳ бўлдилар.

27 июль. Лондондаги мухтасам «Олимпия» стадиони. Маҳаллий вақт билан соат 21.00 да XXX ёзги Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими бошланди. Ойнаи жаҳон арқали тахминан ер юзининг бир миллиарддан зиёд аҳолиси тўридан-тўри томоша қилган мазкур тантаналар «Муъжизалар ороли» деб номланди.

Ноёб занг Биг Бен минорасидаги зангдан анча улканроқ бўлиб, «Олимпия» стадионидега жаранглайди. Мусиқа садолари остида Буюк Британиянинг ўтмиши ва бугуни томошабинлар кўз ўнгига намойиш бўлади.

Буюк Британияда истиқомат қилаётган халқлар ўз рамзий гулларига эга. Жумладан, тантана иштирокчилари — англия

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ликлар атиргул, шотландияликлар тиконгул, уэльсликлар нарисгул ҳамда шимоллий ирландияликлар зигиргул билан маросимда қатнашадилар. Яна бир аҳамиятли жиҳати, мусобақаларнинг тантанали очилиш 18 дан 90 ёшгача бўлган ўн мингдан зиёд волонтернинг иштирок этиётганлигидир. Улар орасида эса 1948 йилда Лондонда ўтказилган ёзги Олимпия ўйинлари қатнашчиларининг ҳам борлиги янада эътиборли.

Нихоятда кўркам ва ҳайбатли стадионда 205 давлат олимпиячилари саф тортади. Ҳар бир мамлакат спорт делегацияларининг майдонга чиқиши йилгиланлар ва томошабинлар қалбини ҳаяжонга солади.

XXX ёзги Олимпия ўйинларида спортнинг 26 тури бўйича медаллар учун кураш боради. Бахсларда жами 10500 нафар спортчи 302 медаллар шодаси учун майдонга тушади.

Ун тўққиз кун давом этадиган мусобақаларда Ватанимиз спортчилари ўн учта спорт тури бўйича Лондон олимпиадаси

йўланмаларини қўлга киритган. Бахсларда эллик тўрт нафар ҳамюртимиз Мустақил Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.

Ташкилотчилар томонидан Лондон ва унинг атрофидаги Кардифф, Глазго, Ньюкасл, Манчестер, Бирмингем, Дорн, Портленд, Хадл сингари шаҳарларда жойлашган ўттиз тўртта спорт иншооти Олимпия дастуридаги бахсларни ўтказиш учун шай ҳолга келтирилган.

Томошабинлар учун чиқарилган чипталарнинг тўқсон фоизи аллақачон сотиб улгурилган. Маълумотларга қараганда, 26 та спорт тури бўйича чиқарилган чипталарнинг ҳар бир донаси 20 фунт стерлингдан 2000 фунт стерлинггача харид қилинди. Энг қimmat чипталар эса мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш тантаналари учун сотилган.

XXX ёзги Олимпия ўйинлари арафасида ташкилотчилар томонидан 2100 дона медал зарб қилинди. Sky Sports ахборот агентлигининг билдиришича, Лондон олимпиадаси медаллари Олимпия ўйинлари тарихидаги ҳажми жиҳатидан энг

катта қўринишга эга бўларкан. Дэвид Уоткинс дизайнерлигида тайёрланган медалнинг бир томонида мусобақалар рамзи акс этган бўлса, иккинчи томонидан машҳур Темза дарёси ҳамда галабалар худоси — Ники тимсоли жой олган. Ҳар бир медалнинг диаметри — 85 миллиметр, оғирлиги — 375-400 граммни ташкил этади.

XXX ёзги Олимпия ўйинларида халқимиз Ўзбекистон спортчиларининг муносиб қатнашишига умид билан қарашмоқда. Лондон олимпиадасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчиларимиз орасида эркин кураш бўйича Афина ва Пекин олимпиадаси ғолиби Артур Таймазов, икки карра жаҳон чемпиони — дзюдочи Ришод Собиров, эркин курашчи Дилшод Мансуров, боксчи Аббос Атоев, каноечи Вади Меньков, Олимпия ўйинлари совриндорлари — трамполинчи Екатерина Хилько, эркин курашчи Сослан Тигиев сингари юлдузларимиз бор.

Шунингдек, бошқа спорт турлари бўйича Лондон олимпиадасига йўланмаларни қўлга киритган Руслан Нуридинов, Элшод Расулов, Рамзиддин Саидов, Яхё Имомов, Денис Истоининг сингари ўнлаб мохир спортчиларимиз ҳам борки, улардан ҳар биримиз медаллар кутишга ҳақимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан XXX ёзги Олимпия ўйинларида медаллар билан тақдирланган спортчилар муносиб мукофотланади. Лондон олимпиадасида олтин медалга сазовор бўлган спортчи 150000 АҚШ доллари, кумуш медал учун эса 75000, бронза медал учун 50000 АҚШ доллари билан тақдирланади.

**Бўлажак мусобақаларда барча спортчиларимизга омад тилаймиз.**

**Эркин ХОЛБОВО, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



БОШ МАЙДОНИМИЗДА БИР ГУРУХ ФРАНЦИЯЛИК ТУРИСТЛАР АЙЛАНИБ ЮРИШИБДИ. УЛАР БУ ЕРДАГИ ҲАЯТ БИР ИНШОТ, МАНЗАРАНИ ДИҚҚАТ БИЛАН КУЗАТИШАДИ. ЙЎЛБОШЛОВЧИ АБДУРАУФ ЖАББОРОВНИНГ МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ ТАРИХИ ВА БУГУНИ ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯЛАРИНИ БЕРИЛИБ ТИНГЛАШАДИ. МЕҲМОНЛАРДАН БИРИ ЭЪТИБОРИМНИ ТОРТДИ. У МАЙДОН МАРКАЗИДАГИ ОНА ВА БОЛА ҲАЙКАЛИ ПОЙИДА БОШ ЭГИБ ТУРИБДИ. ИШОНАСИЗМИ, ЖУДА ҲАЯЖОНЛНИ БЕРДИМ. ЯҚИНИГА БОРИБ, СУҲБАТГА ТОРТДИМ. КАСБИ ЖУРНАЛИСТ ЭКАН.



# МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ МУЛОҚОТЛАР



Сесиле ТОМАШО, Франция.

— Осиенинг кўплаб давлатларига саёхат қилганман. Буюк ипак йўлида жойлашган Ўзбекистонга келиш эса азалий орзуларимдан бири

бўлган. Ўзбекистонга ота-онам ва бир гуруҳ қариндошларим билан келдик.

Бугун эрталаб самолётдан тушиб, меҳмонхонага жойлашиб, Тошкентни айланишга чиқдик. Пойтахтнинг замонавий бинолари билан бир қаторда тарихий обидаларини ҳам томоша қилдик. Эртага ҳам саёхатимиз давом этади. Умуман олганда сафаримиз ўн кунга мўлжалланган. Ўйлайманки, бу вақт давомида Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларини кўришга улгурамиз. Ҳозир Мустақиллик май-

донда турибмиз. Ушбу майдон жуда маҳобатли, гўзал экан. Энг замонавий архитектура усулларидан фойдаланиб қурилган ва ўзига хос бир ансамбль яратилган. Мустақилликнинг қадр-қимматига етган миллатгина мана шундай майдонни барпо этади.

Яқинда Ўзбекистон Мустақилликка эришганига 21 йил тўлар экан. Мен ўзбек халқини ушбу кутлуғ сана билан табриклайман. Сизларга доим тинчлик ва товулик ёр бўлсин. Давлатингиз маданий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, бундан ҳам юқори натижаларга эришсин.



Махмадрасул РАҲМАТОВ, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг катта ўқитувчиси

— Мустақиллик йилларида боз майдонимиз ўзининг ҳақиқий, миллий қиёфасига эга бўлди. Одамлар талпинадиган,

интиладиган, зиёрат қиладиган мукаддас манзилга айланди. Тез-тез келиб тураман. Бу ерда мустақиллик берган имкониятлар ҳақида ўйлашни яхши кўраман.

Утган давр мобайнида ҳар бир соҳада катта ислохотлар ўтказилди. Бунақа ислохот ислохот учун эмас, инсон учун тамойилга амал қилинди. Қишлоқларимизда намунали лойиҳа асосида қуриладиган уй-жойларни айтасизми, мактаблар, академик лицейлар, касб-хунар коллежларини айтасизми, барчаси инсонлар яхши яшаш учун бунёд этилган. Бир ўқитувчи сифатида шуни айтишим керакки, таълим тизими ҳам тубдан ўзгарди. Аввало олий

ўқув юртыга киришда тест тизими жорий этилди. Ҳаммамиз яхши биламиз, илгари ўқишга кириш савол-жавоб тарзида бўларди ва таниш-билиши бор, пулдор одамнинг боласи имтиҳондан «осон» ўтарди. Унга баҳони ўша ердаги одамлар кўяр эди. Аммо тестда ҳаммаси абитуриентнинг ўзига боғлиқ. У қўлга киритган баллини ҳеч қим сохташлариб, пасайтира олмайдди. Ёки паст балл олса кўтариб қўйилмайдди.

Давраларда баъзан «Мустақиллик сиз учун нима?», деб савол беришади. Мен уларга «Мустақиллик инсон шайинини улуглаш, тинч, эркин яшаш» деб жавоб бераман.

# ЁЗГИ ОЛИМПИА УЙИНЛАРИ ТАРИХИДАН

**1996 йил 19 июль — 4 август, Атланта (Америка Қўшма штатлари) XXVI ёзги Олимпия ўйинлари**

Айнан шу йили ёзги Олимпия ўйинлари ўзининг юз йиллик юбилейини нишонлаган эди.

Мустақил Ўзбекистон вакиллари илк бор олимпия медаллари учун кураш олиб борган Атланта олимпиадасида жаҳоннинг бир юз тўқсон етти давлатидан 10320 нафар қатнашчи спортнинг йигирма олти тури бўйича жами 271 комплект медаллар учун майдонга тушганди. Дзюдочимиз Армен Багдасаров (86 кг) ўз вазн тоифасида кумуш, боксчимиз Карим Тўлаганов (71 кг) эса бронза медалини қўлга киритган эди.



**2004 йил 13 август — 29 август, Афина (Греция) XXVIII ёзги Олимпия ўйинлари**

Қадимий Олимп ватанида иккинчи маротаба ўтказилган мусобақаларда 201 мамлакат вакиллари голиблик учун майдонга тушди. Унда спортнинг йигирма саккиз тури бўйича 301 комплект медаллар тақдир хал этилди. Мусобақаларда эса жами 10625 нафар спортчи голиблик учун кураш олиб борди.

Мустақил Ўзбекистон спортчилари Афина олимпиадасида спортнинг 13 тури бўйича майдонга чиқди. Унда 69 (жумладан, 18 хотин-қиз) нафар ҳамюртимиз иштирок этди. Эркин курашчи Артур Таймазов (130 кг) ҳамда юнон-рум кураши бўйича Александр Доктуришвили (74 кг)лар ёзги Олимпия ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди. Яна бир эркин курашчимиз Магомед Ибрагимов кумуш медал билан тақдирланган бўлса, боксчиларимиз Баҳодиржон Султонов (54 кг) ҳамда Ўткирбек Ҳайдаров (75 кг) шохсупанинг фахрли учинчи поғонасига кўтарилди.



**2000 йил 15 сентябрь — 1 октябрь, Сидней (Австралия) XXVII ёзги Олимпия ўйинлари**

Сиднейда ўтказилган навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларида иштирокчи давлатлар сони 199 тага етди. Мусобақаларда жами 28 спорт тури бўйича 300 комплект медаллар учун кураш борди. Бахсларда эса жами 10651 спортчи ўз омадини синаб кўрди. Жумладан, Сиднейда мамлакатимиз шарафини 70 (шулардан 18 хотин-қиз) нафар спортчи ҳимоя қилди.



**2008 йил 8 август — 24 август, Пекин (Хитой) XXIX ёзги Олимпия ўйинлари**

Унда 28 спорт тури бўйича 302 комплект медаллар учун баҳс юритилди. Мусобақаларда дунёнинг 204 мамлакатидан 11099 нафар спортчи майдонга тушди.

Пекин майдонларида Ватанимиз шарафини 56 (жумладан, 15 хотин-қиз) нафар спортчи ҳимоя қилди. Унда мохир курашчимиз Артур Таймазов (130 кг) иккинчи маротаба ёзги Олимпия ўйинлари олтин медалига сазовор бўлди. Шунингдек, Сослан Тигиев (86 кг) шохсупанинг фахрли иккинчи поғонасидан жой олди. Яна бир спортчимиз кумуш медал билан тақдирланди. Уч нафар ҳамюртимиз — дзюдочи Ришод Собиров (60 кг), трамполинчи Екатерина Хилько ҳамда гимнастикачимиз Антон Фокинлар кўксини Пекин олимпиадасининг бронза медаллари беади.



Боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев (63,5 кг), Ватанимиз терма жамоасига илк ёзги Олимпия ўйинлари олтин медалини тақдим этди. Шунингдек, эркин кураш бўйича Артур Таймазов (130 кг) шохсупанинг фахрли иккинчи поғонасига кўтарилган бўлса, боксчиларимиз Сергей Михайлов (81 кг) ҳамда Рустам Саидов (91 кг)лар бронза медали билан тақдирландилар.

**MUASSIS:**

**Bosh muharrir: Safar OSTONOV**

**TAHIR HAY'ATI:**

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiddin
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

**BO'LIMLAR:**

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;  
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;  
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;  
Sport va vatandorlik — 233-44-55;  
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.  
Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

**Г — 746**  
10676 nusxada bosildi.

**Т — Tijorat materiallari**  
O'za yakuni — 21.05  
Topshirilgan vaqti — 00.35

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:  
**Bardambek SA'DULLAYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar:  
**Sobirjon TUNG'ATOV,**  
**Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5